

15 апрель, сешанба куни Самарканддаги Садриддин Айний уй-музейида ёзувчи таваллудининг 136 йиллигига багишланган анъанавий тадбир бўлиб ўтди. Бу ҳақда, Gazeta.uz'га [асосланиб](#) , Daryo.Uz [хабар берди](#) .

Айнийнинг уй-музейи Самарканд шаҳридаги Регистон кўчасида жойлашган. У Ўзбекистон ҳукумати қарори билан 1967 йил 19 майда очилган.

Самарканддаги проспектлардан бири ва эски шаҳардаги мактабга ёзувчи номи берилган. Ҳар йили 15 апрель куни Садриддин Айнийнинг истеъдодлини кадрловчи кишилар йигилиб, «Айнийхонлик» ўтказилади. Унда мактаб ўқувчилари, талабалар, филологлар, ёзувчилар, шоирлар ва, умуман, ёзувчи ижодига кизикувчилар катнашади.

Садриддин Айний XX аср тожик ва ўзбек адабиётининг буюк намояндаларидан биридир. У ўзининг «Дохунда», «Куллар» романлари, «Одина», «Етим», «Судхўрнинг ўлими» сингари қиссалари, тўрт қисмдан иборат «Эсдалиқлар» асарлари орқали янги хилдаги, замонавий тожик адабиётига асос солди, шунингдек қардош ўзбек маданияти, адабиёти ва санъати тараккиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Шу сабабли, Садриддин Айний ижодиёти ҳар иккала қардош халқ учун қадрли ва қимматлидир.